

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Химояга тавсия этилди
Кафедра мудири

2013й

**Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг рейтинг тизимини амалга
оширишга имкон берувчи дастурий таъминотни яратиш мавзусида**

Бакалаврнинг битирув малакавий иши

Битирувчи _____
(имзо) _____ (Фамилия)

Рахбар _____
(имзо) _____ (Фамилия)

Тақризчи _____
(имзо) _____ (Фамилия)

XФX _____
(имзо) _____ (Фамилия)

Тошкент-2013

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

“Техник таълим педагогикаси” кафедраси

5140900 - Касб таълим (информатика ва ахборот технологиялари) йўналиши

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Кафедра мудири _____

2013 йил “ ”

**Битирув малакавий ишига
ТОПШИРИҚ**
Мирзаахмедов Азиз Икром ўғли

Иш мавзуси: «Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг рейтинг тизимини амалга оширишга имкон берувчи дастурий таъминотни яратиш»

2012 йил “27“ декабрдаги “1371-12”- сонли буйруқ билан тасдиқланган.

1. Ишни химояга топшириш муддати: 5.06.2013 й
2. Ишга оид дастлабки маълумотлар: маъруза матн, интернет манбалари, дастурий таъминот, махсус адабиётлар, мультимедиа воситалари ва технологиялари _____
3. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):
 - Кириш
 - Асосий қисм;
 - ҲФХ қисми;
 - Холоса, адабиётлар рўйхати, илова.
4. График материаллар рўйхати: тақдимот материаллари, жадваллар

Топшириқ берилган сана: 22.01.2013й

Рахбар _____

Топшириқни олдим _____

5. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслахатчилар:

Бўлим номи	Маслахатчи ўқитувчининг Ф.И.О.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Асосий қисм	Мигранова Э.А.	20.01.2013й	20.01.2013й
Хаёт фаолияти хавфсизлиги	Қодиров Ф. М	20.03.2013й	20.03.2013й

6.Ишни бажариш графиги

№	Иш қисмларининг номи	Бажарилиш муддати	Рахбар белгиси
1	Масаланинг қўйилишини ишлаб чиқиш	25.01-10.02	
2	Ишга доир маълумотлар йиғиш ва тахлил килиш	12.02-28.02	
3	1 боб устида ишлаш. Ўқитувчилар касбий фолияти сифатини баҳолаш рейтинг тизимиининг назарий асослари	1.03-22.03	
4	Дастурий таъминотининг таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш	23.03-10.04	
5	2 боб устида ишлаш. «Рейтинг тизими дастурий таъминотини яратиш ва ундан таълим муассасаларида фойдаланиш методикаси	10.04-29.04	
6	ҲФҲ бўлими устида ишлаш	2.05-15.05	
7	Битирув малакавий ишининг дастлабки химояси тайёргарлик	16.05.2013	
8	Битирув малакавий ишининг химояси	12.06.2013	

Битирувчи _____
Рахбар _____

2013 йил _____
2013 йил _____

Мундарижа

Кириш.....	5
I БОБ. ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ ФОЛИЯТИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ўқув фаолияти сифатини баҳолашнинг асосий моделлари	9
1.2. Хорижий университетлар профессор-ўқитувчилари таркибининг фаолиятини баҳолаш амалиёти.....	15
1.3. Ўқитувчилар касбий фаолияти сифатини рейтингли баҳолашнинг методологик асослари	23
II БОБ. РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ВА УНДАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ	
2.1 Ўқитувчилар, кафедралар, факультетлар касбий фаолияти сифатини рейтингли баҳолаш тизимининг тузилиш технологияси	32
2.2. Ўқитувчилар касбий фаолиятини рейтингли баҳолаш дастурий таъминотининг маълумотлар базаси ва алгоритмини яратиш	40
2.3. Дастурий таъминотдан фойдаланиб ўқитувчилар рейтинги ҳақида ҳисоботлар тайёрлаш усуллари	53
III БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
3.1. Иш жойини ташкил қилиш	63
3.2. Лазер нурланишлари ва улардан ҳимоя	66
3.3. Ўт олиши ва алангани ўчириш воситалари тўғрисида умумий маълумотлар	68
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар	73

Ушбу битириув малакавий ишида Олий ўқув юртлари ўқитувчилари, кафедралари ва факультетларининг рейтингини амалга ошириш, профессор-ўқитувчилар таркиби фаолияти сифатини яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини такомиллаштиришнинг назарий асослари кўриб чиқилган. Шунингдек ўқитувчиларда ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш ва касбий фаолиятни таҳлил қилиш имкониятини ёритиб берилган. Олиб борилган тадқиқот натижасида рейтинг тизимини амалга оширишга имкон берувчи дастурий таъминотдан олий ўқув юртларида фойдаланиш бўйича таклифлар келтирилган.

В данной выпускной квалификационной работе рассмотрены основы внедрения рейтинга деятельности преподавателей высших учебных заведений, факультетов и кафедр, улучшения качества деятельности профессорско-преподавательского состава, а также основы совершенствования качества учебного процесса. Также освещены возможности развития способности самооценки преподавателей и анализа их профессиональной деятельности. В заключении исследования приведены рекомендации по использованию в вузах программного обеспечения, дающего возможность внедрить рейтинговую систему.

In this paper the final qualifying bases of introduction ranking of teachers of higher educational institutions, faculties and departments, improve the quality of the teaching staff, as well as the basis for improving the quality of teaching. Also highlighted the potential of developing the ability to self-esteem of teachers and analysis of their professional activities. In conclusion, the study provides recommendations on the use of software in higher education, which makes it possible to implement a rating system.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ

“Техник таълим педагогикаси” кафедраси

5140900 - Касб таълим (информатика ва ахборот технологиялари) йўналиши

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Кафедра мудири _____

2013 йил “ ”

**Битирув малакавий ишига
ТОПШИРИҚ**
Мирзаахмедов Азиз Икром ўғли

Иш мавзуси: «Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг рейтинг тизимини амалга оширишга имкон берувчи дастурий таъминотни яратиш»

2012 йил “27“ декабрдаги “1371-12”-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

6. Ишни химояга топшириш муддати: 5.06.2013 й
7. Ишга оид дастлабки маълумотлар: маъруза матн, интернет манбалари, дастурий таъминот, махсус адабиётлар, мультимедиа воситалари ва технологиялари _____
8. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):
 - Кириш
 - Асосий қисм;
 - ҲФХ қисми;
 - Холоса, адабиётлар рўйхати, илова.
9. График материаллар рўйхати: тақдимот материаллари, жадваллар

Топшириқ берилган сана: 22.01.2013й

Рахбар _____

Топшириқни олдим _____

10.Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.О.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Асосий қисм	Мигранова Э.А.	20.01.2013й	20.01.2013й
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Қодиров Ф. М	20.03.2013й	20.03.2013й

6.Ишни бажариш графиги

№	Иш қисмларининг номи	Бажарилиш муддати	Рахбар белгиси
1	Масаланинг қўйилишини ишлаб чиқиш	25.01-10.02	
2	Ишга доир маълумотлар йиғиш ва тахлил килиш	12.02-28.02	
3	1 боб устида ишлаш. Ўқитувчилар касбий фолияти сифатини баҳолаш рейтинг тизимиининг назарий асослари	1.03-22.03	
4	Дастурий таъминотининг таркибий тузилмасини ишлаб чиқиш	23.03-10.04	
5	2 боб устида ишлаш. «Рейтинг тизими дастурий таъминотини яратиш ва ундан таълим муассасаларида фойдаланиш методикаси	10.04-29.04	
6	ҲФХ бўлими устида ишлаш	2.05-15.05	
7	Битирув малакавий ишининг дастлабки химояси тайёргарлик	16.05.2013	
8	Битирув малакавий ишининг химояси	12.06.2013	

Битирувчи _____
Рахбар _____

2013 йил _____
2013 йил _____

Мундарижа

Кириш.....	5
I БОБ. ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ ФОЛИЯТИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Ўқув фаолияти сифатини баҳолашнинг асосий моделлари	9
1.2. Хорижий университетлар профессор-ўқитувчилари таркибининг фаолиятини баҳолаш амалиёти.....	15
1.3. Ўқитувчилар касбий фаолияти сифатини рейтингли баҳолашнинг методологик асослари	
.....	23
II БОБ. РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ВА УНДАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ	
2.1. Ўқитувчилар, кафедралар, факультетлар касбий фаолияти сифатини рейтингли баҳолаш тизимининг тузилиш технологияси	32
2.2. Ўқитувчилар касбий фаолиятини рейтингли баҳолаш дастурий таъминотининг маълумотлар базаси ва алгоритмини яратиш	40
2.3. Дастурий таъминотдан фойдаланиб ўқитувчилар рейтинги ҳақида хисоботлар тайёрлаш усуллари	53
III БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	
3.1. Иш жойини ташкил қилиш	63
3.2. Лазер нурланишлари ва улардан ҳимоя	66
3.3. Ўт олиши ва алангани ўчириш воситалари тўғрисида умумий маълумотлар	68
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар	73

Ушбу битирув малакавий ишида Олий ўқув юртлари ўқитувчилари, кафедралари ва факультетларининг рейтингини амалга ошириш, профессор-ўқитувчилар таркиби фаолияти сифатини яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини такомиллаштиришнинг назарий асослари кириб чиқилган. Шунингдек ўқитувчиларда ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш ва касбий фаолиятни таҳдил қилиш имкониятини ёритиб берилган. Олиб борилган тадқиқот натижасидарейтинг тизимини амалга оширишга имкон берувчи дастурий таъминотдан олий ўқув юртларида фойдаланиш бўйича таклифлар келтирилган.

В данной выпускной квалификационной работе рассмотрены основы внедрения рейтинга деятельности преподавателей высших учебных заведений, факультетов и кафедр, улучшения качества деятельности профессорско-преподавательского состава, а также основы совершенствования качества учебного процесса. Также освещены возможности развития способности самооценки преподавателей и анализа их профессиональной деятельности. В заключении исследования приведены рекомендации по использованию в вузах программного обеспечения, дающего возможность внедрить рейтинговую систему.

In this paper the final qualifying bases of introduction ranking of teachers of higher educational institutions, faculties and departments, improve the quality of the teaching staff, as well as the basis for improving the quality of teaching. Also highlighted the potential of developing the ability to self-esteem of teachers and analysis of their professional activities. In conclusion, the study provides recommendations on the use of software in higher education, which makes it possible to implement a rating system.

Кириш

Таълим тизимининг ривожланишини ҳозирги ҳолатини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга замин яратади. Бунда педагогик жараённинг мазмуни такомиллашади, ўқитишининг инновацион моделлари жорий этилади ва талаба ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ташкил этилади. ҳар қандай таълим муассасасида ўқув жараёнини ахборотлаштиришнинг зарурий шарти сифатида замонавий ахборот технологияларини ҳам бошқарувда, ҳам таълим-тарбия жараёнига жорий этиш бўйича ягона сиёsat ва стратегияни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Барчамизга маълумки бугунги кунга келиб ахборот-коммуникация технологиялари жамиятимизнинг барча соҳаларига, жумладан, таълим тизимиға замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларнинг кириб келиши, таълим сифатини ошириши билан бир қаторда ўқитувчи зиммасига катта маъсулият юклаб, улардан замонавий ахборот ва педагогик технологияларни пухта ўзлаштиришни талаб этмоқда. Чунки мамлакатимизда ўз мутахассислиги бўйича етук билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш давр талабига айланмоқда. Айрим педагог ва педагогик жамоанинг касбий фаолияти сифатини баҳолаш муаммоси ҳар доим энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири ҳисобланган. Ушбу муаммолар нафақат касбий-педагогик ҳамжамиятнинг ичидаги ўзаро муносабатларга, балки таълим тизимларининг ўзаро ишлашга тааллуқлидир. Моҳиятига қўра ижтимоий институт бўлиб ҳисобланади ва таълим тизими ижтимоий вазифалар амалга оширилишининг самарасини билувчи жамиятнинг дикқат марказида бўлади. Педагогик амалиёт таълим жараёнлари ва натижаларини танқидий баҳолашга интилиш, таълим амалиётининг энг яхши намуналари қўлланилишига уриниш хусусиятига эга.

Мавзунинг долзарбилиги. Олий ўқув юртларнинг ўқитувчилар, кафедралар, факультетларнинг касбий фаолиятининг сифатини баҳолаш тизимини яратиш ўз ичига мураккаб илмий-амалий вазифани олади, ҳал этишнинг қийинчилиги омиллар комплексига таъсир этишга асосланган. Уларга қуидагилар киради:

1. умумий охирги натижада кўплаб функционал мажбуриятларни бажарадиган айrim ўқитувчиларнинг улушини аниқлашнинг муракабалилиги, чунки олий ўқув юртларда мутахассисликларни тайёрлаш бу жамоавий меҳнат хисобланади;

2. олий ўқув юртлар, айrim факультетлар, кафедралар ва хусусан ўқитувчилар фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ишончли ахборотнинг этишмаслиги, баъзан мавжуд эмаслиги;

3. фаолият сифатини объектив баҳолаш тизими киритилишига қатор раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг қаршилиги (бу нафакат «бўш» ўқитувчилар, балки ким назоратни ёмон кўрадиган, кимга жамоанинг ва раҳбарнинг шахсий баҳоси қулай бўлганларга, фаолиятнинг муайян натижалари бўйича объектив баҳолашга тааллуқлидир)

ПЎТ рейтинги муаммосининг муракабалилигига қарамасдан, хорижий давлатларнинг қўпгина олий ўқув юртлари ўқитувчилар меҳнатини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишиди ва тадбиқ этишиди. Ҳозирги вақтда амалиётда замонавий олий мактаблар ўқитувчилар фаолиятининг сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг 40 тадан ортиқ методикаси келтирилган. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, такомиллашган деб тан олинмаслиги мумкин ва сифатли ишлаб чиқишини талаб этади [1,9][6] ишда ўтказилган методикалар маълумотларининг таҳлили ўқитувчи фаолиятининг сифатини баҳолаш жараёнини таълим жараёнини касбий ва шахсий ривожлантириш ва такомиллаштириш инструментига ўзгартириш имконини бермайдиган ўзига хос камачиликларни кўрсатди:

- ✓ рейтинг баҳолашнинг тақдиф этилган кўрсаткичларнинг сифатли характеристини ташкил этади;
- ✓ ўқитувчи фаолиятини умумий баҳолаш уни ташкил этувчининг миқдорий характеристикаси билан белгиланадиган тахминга асосланган методикани ортиқча рамийлаштириш;
- ✓ якуний рейтинга миқдорни ўлчаш мумкин бўлган ва, қоидага кўра, педагог фаолиятининг бутун миқёсини қамраб олмайдиган кўрсаткичларни киритиши;
- ✓ баҳолашнинг аксиологик жиҳати рейтингини аниқлашда мавжуд эмаслиги. Педагогнинг барча фаолият тури турлар ичидаги алоҳида кўрсаткичлар бир хил маънога эга;
- ✓ натижаларни баҳолашда олинган натижаларни интерпретациялаш йўналиши тўғрисидаги аниқ кўринишининг ва уларнинг амалий фойдаланиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги.

Шу билан бирга у ёки бошқа методикаларга нисбатан танқидий мулоҳазалар ижодий фаолият сифатини баҳолаш бўлиб ҳисобланган мураккаб соҳада олдинга қадам қўйган муаллифларнинг меҳнатини камайтиради. Ушбу фикрлар ўқитувчи фаолиятининг тизимли баҳолашга бошланғич уриниш катта амалий самара берилишини инкор этмайди.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади: Олий ўқув юртлари ўқитувчилари, кафедралари ва факультетларининг рейтингини амалга ошириш, ПЎТ фаолияти сифатини яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини такомиллаштириш ҳисобланади. Шунингдек ўқитувчиларда ўз-ўзини баҳолаш кўнималарини ривожлантириш ва касбий фаолиятни таҳлил қилиш имкониятини беради.

Тадқиқот ишининг вазифаси. Олий ўқув юрт ўқитувчилари, кафедралари ва факультетларининг рейтингини амалга ошириш тизимининг асосий вазифалари бўлиб қуийдагилар ҳисобланади:

- Олий ўкув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолаш тизимларини яратишнинг назарий асослари, ҳолати ва уларга қўйилган педагогик, методик, техник талаблар ҳамда таълимда фойдаланишнинг педагогик имкониятларини ўрганиш;
- Олий ўкув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолашга имконини берувчи дастурий таъминотнинг умумлашган тузилмасини ишлаб чиқиши;
- Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятининг рейтингли баҳолаш дастурий таъминотининг маълумотлар базаси ва алгоритми маълумотлар базаси структураси ва алгоритмини ишлаб чиқиши;
- Олий ўкув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолашнинг тегишли технологиясини яратишни назарда тутади

Тадқиқот Объекти. Олий ўкув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолаш жараёни.

Тадқиқот предмети. ПЎТ касбий фаолият рейтингни баҳолашнинг таркибий тузилиши, унга қўйиладиган педагогик талаб ва мезонлар ҳамда тизимни яратиш технологиялари,.

Битирув малакавий ишининг метадолгик асосини «Таълим тўғрисидаги»ги конун, « Кадрлар тайёрлаш миллий дастури », «2008-2012 йилларда узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълимтарбия самарадорлигини янги сифат даражага кўтариш дастури» Ўзбекистон республикаси таълим тизимни ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар , информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги таниқли олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган дастурний таъминотдан Олий ўкув юртининг ўқитувчилар таркиби,

факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, учта боб умумий хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I Боб.

ЎҚИТУВЧИЛАР КАСБИЙ ФОЛИЯТИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўқув фаолияти сифатини баҳолашнинг асосий моделлари

Хукуматимиз томонидан таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, олий таълим муассасалари тизимини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлашга олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш каби қатор ишлар қилинмоқда. Шулар қаторига, Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби, факультетлар ва кафедралари касбий фаолиятининг сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам киради.

Таълим тизимининг ривожланишини ҳозирги ҳолатини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга замин яратади. Бунда педагогик жараённинг мазмуни такомиллашади, ўқитишининг инновацион моделлари жорий этилади ва талаба ва ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ташкил этилади. ҳар қандай таълим муассасида ўқув жараёнини ахборотлаштиришнинг зарурий шарти сифатида замонавий ахборот технологияларини ҳам бошқарувда, ҳам таълим-тарбия жараёнига жорий этиш бўйича ягона сиёsat ва стратегияни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Маълумки, кейинги йиллардаги илм-фан, техниканинг тезкорлик билан ривожланиб бориши тарихда тенги ва ўхшashi йўқ буюк кашфиётларнинг яратилиши натижасида кўпгина янги ўта мураккаб тушунчалар ҳамда илмий

назариялар пайдо бўла бошлади. Бу кашфиётлар эса ўз навбатида материал дунёда содир бўлаётган табиатан турлича бўлган объект, ҳодиса ва жараёнларни умумлаштириш (интеграллаш) асосида бир илмий асосга келтириш ҳамда улар учун умумий қонуниятларни кашф қилиш имкониятини яратиб бера бошлади. Нихоят, бу кашфиётларнинг илм-фан ва ишлаб-чиқаришда кенг қамровли тадбиқи тараққиётни интенсивлаштиришга имконият яратди. Бундай тезкорлик билан ривожланишни ҳаётимизда содир бўлаётган ақл бовар килмас мўъжизалар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Интенсив ривожланишни таъминлаб берувчи асосий, янги илмий назарияларга қуидагилар мисол бўлади:

- ✓ Бошқаришнинг умумий назарияси (Кибернетика фани);
- ✓ Объект, ҳодиса ва жараёнларни умумий асосга келтирувчи тизим (система) назарияси;
- ✓ Тармоқланиб кетган илм-фанларни умумлашувини (интеграллаш) таъминловчи ахборот назарияси;
- ✓ Ақлий меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи сунъий интеллект назарияси;
- ✓ Аниқ фанлар томонидан кашф қилинган ахборотларни йифиш, масофага узатиш ҳамда ишлов беришнинг восита ва усуслари;
- ✓ Богланишлар назарияси ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Илм-фан ва техникадаги бундай кашфиётлар янги тушунчалар, назариялар, илмий-амалий фаолиятимизда учраб турадиган табиатан турлича бўлган объект, ҳодиса ва жараёнларни умумий қонуниятлар асосида мақсадли бошқариш имкониятларини яратиб, илмий-амалий фаолиятимизга тезкорлик билан тадбиқ қилинмоқда.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби, факультетлар ва кафедралари касбий фаолиятининг сифатини баҳолаш

тизимини ишлаб чиқиш бўйича масалани ўз олдига қўйган ҳолда, ушбу тизим таълим нафақат муассаса раҳбарлари ва ўқитувчилари, балки манфаатдор шахсларнинг тушуниши осон ва қулай бўлиши ва унинг асосида биринчи навбатда аниқ ва умумқабул қилинган кўрсаткичлар бўлиши керак.

Рейтинг формал кўрсаткичлар бўйича баҳолаш тизими сифатида амалга оширилиши содда бўлган аниқ мезонларга эга.

Олий ўқув юртларида рейтингли баҳолашни амалга ошириш учун тизимларни яратиш қобилиятига эга бўлган мутахассислар мавжуд бўлиши зарур. Улар ахборотни йиғиши, қайта ишлаш ва тақдим этишни, шунингдек рейтинг иштирокчилари билан тескари алоқани таъминлайдиган ўқув-методик бошқарув тузилмада ёки сифат хизматида ишлашлари мумкин. Айнан ўхшаш тизимларни яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларининг тажрибалари, шунингдек кўп йиллик тадқиқот ишларининг натижалари умумлашган ҳолда берилган ушбу дастурий таъминотни ишлаб чиқишига мўлжалланган.

1. Тизимики кўрсаткичларни баҳолаш модели

Ушбу модел ўз ичига муҳитни баҳолаш обьектига, жумладан бошқарув субъектига нисбатан эътиборни шакллантирадиган мўлжалланган параметрларни танлаш билан баҳолаш тизимини олади. Ушбу модел касбий фаолият каби ўқитиш жараёнига, хусусан, натижага эмас, жараёнга эътибор қаратилиши билан изоҳланади. Педагогик фаолият натижасини стандартлаштириш мумкин бўлмаган ҳолатда жараённи стандартлаштириш мумкин.

Мисол сифатида Роберт Глазер «teaching-learning-evaluation model» (ўқитиш ва таълим бериш жараёнларини баҳолаш модели) моделидан фойдаланиш мумкин. Бундай моделнинг феъл-атвор хусусиятлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- айрим шахслар ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчилар гурухининг умумий ва ўзига хос хусусиятли таълим мақсадлари ва вазифаларини ажратиш;
- ўқитувчилар ва таълим олувчилар муаммоларининг ўзаро боғланганлигини белгилаш;
- ўқитиши баҳолаш (педагогик технологиялар, ахборотни узатиш усули, ўқув материаллар ва ўқитиш воситалари, тескари алоқани олиш методлари);
- натижаларни баҳолашнинг учта: мақсадлар, шартларни аниқлаш, жараённи ташкил этиш босқичларига мувофиқлиги.

2. Ресурс (потенциал) кўрсаткичларини баҳолаш модели. Ушбу модел бўлиб нормага келтирилган ва назорат қилинадиган параметрларни танлаган ҳолда, бошқариш субекти билан инициацияланадиган тизимли баҳолаш ҳисобланади. Ушбу модел нормага келтиришга йўналтирилган модел деб ҳам юритилади.

Фаолият сифатини ижобий баҳолаш шарти бўлиб ушбу талабларга аниқ риоя қилиш ҳисобланади. Ташқи баҳолаш функцияларига қўйидагилар киради:

норматив талабларни аниқлаш;

талабларга мувофиқлигини даврий назорат қилиш;

нормативларга риоя қилиш тўғрисидаги таълим муассасаларининг ҳисоботларини йиғиши.

барча жамоани ва таълим жараёнига тааллуқли шахсларни баҳолашга жалб қилиш;

1. мақсадлар ва ўзига хос хусусиятли вазифаларни белгилаш;
2. баҳолаш жараёнига жамоани тайёрлаш;
3. ўлчаш инструментларини танлаш;
4. педагогик ўлчаш;
5. олинган натижаларни таҳлил қилиш;

6. натижаларни интерпретациялаш (таққослаш, түғрилаш ва х.);
7. дастурларни такомиллаштириш ва мақсад ва вазифаларни түғрилаш.

Таълим жараёнининг сифатли кадрлар билан таъминлашга қаратилган эътибор ушбу моделнинг афзаллиги бўлиб, кўрсаткичлар баҳолаш натижаларини тизимлаштирмаслик, тахлил қиласлик ва фойдаланмаслик ахборот хусусияти камчилиги бўлиб ҳисобланади.

3. Мақсадларга эришишни баҳолаш модели қўп ҳолларда ПЎТ фолиятининг сифатини баҳолаш процедурасининг назарий ва методологик асослари бўлиб хизмат қиласди.

- масаланинг долзарблилиги;
- мақсадларга эришиш имкониятларини тавсифлаш;
- кутилаётган натижага эришиш механизмини ишлаш.
- Моделни янада ривожлантириш унинг даврийлигини белгилайди:
- тизим муайян вазифаларни бажариш имконига эга;
- вазифаларни ҳал этиш учун барча ҳаракатлар белгиланиши мумкин.
- натижаларга эришишнинг барча зарур шартлари режалаштирилган бўлиши мумкин.
- Баҳолаш мақсади ва баҳолаш натижаси мўлжалланган ечимни аниқ белгилайди. Учта мумкин бўлган ечимларни кўриб чиқамиз:
 - таълим тизимида нормал балансини таъминлайдиган ечим (статик мақсадлар);
 - таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ечимлар (инновацион мақсадлар);
 - чуқур иноацион ўзгаришларга, жиддий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ечимлар (тадқиқот ишининг мақсади).

Моделнинг аҳамияти бўлиб тузилмавий элементлар ва алоқалар бирлиги сифатида таълим тизимини, шунингдек тескари алоқага мўлжалланган ҳаракатланиш тизимини кўриб чиқиш ҳисобланади. У қўйидаги саволларга жавоб бериш имконига эга:

- қандай вазифалар қўйилган;
- қандай стратегия ва процедуралар қўлланилган;
- ушбу процедуралар қанчалик ўхаш ва самарали;
- мақсадга қанчалик самарали эришилган.

5. Эркин баҳолаш модели. Бунда баҳолашнинг формализацияланмаган ёндашувлар билан характерланадиган баҳолаш модели тўғрисида гап боради.

Ушбу моделлар баҳолаш қўрсаткичлари ва якуний мулоҳазаларни олиш методлари тавсифланмаганлиги билан характерланади. Улар юкори малакали эксперtlар томонидан баҳолаш учун жалб қилишга асосланган. Баҳолаш методларини инкор этиш ўз-ўзини ривожлантириш, тартибга солиш тизими каби таълим тизимини кўриб чиқиш билан боғлиқдир.

ПЎТ фаолиятининг сифатини баҳолашдаги ёндашувнинг объективлилигига шубҳа бўлган ҳолатда ҳам эркин баҳолаш модели кенг қўлланилади.

Эркин баҳолаш модели қўлланилиши бўйича турличадир ва фойдаланишда кенг (субъектив баҳоланишнинг тўлиқ эркинлигидан эксперт баҳони миқдорий қўрсаткичга ўтказишнинг батафсил методикасигача) диапазонга эга. Қоидага кўра, ушбу модел баҳолашнинг янги шакли киритилганда (тизимни шакллантириш), баҳолашнинг тажрибаси етарлича катта бўлганда қўлланилади.

1.2. Хорижий университетларнинг профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолиятини баҳолаш амалиёти

Олий мактабнинг илмий-педагогик кадрлар фаолияти сифатининг баҳолашнинг такомиллашган шакли ва методларини излаш назария, методика ва баҳолашни ташкил этиш соҳасида тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича ғарб мамлакатларининг танқидий тажрибасидан фойдаланишни талаб этади. Хориждаги таълим соҳасидаги кадрларни баҳолашга концептуал ёндашувлар ушбу масалани тўлиқ очиб беришга Ю. С. Алферов, Д. Бадарча, Г. А. Бордовский, И. М. Курдюмова, В. А. Матюхин, Л. И. Писарев, Т. А. Тарташвили, С. Ю. Трапицин ишларида таҳлил қилинади ва ушбу масалани ёритишга таянамиз. АҚШ олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг фаолиятини баҳолашга ёндашувлар мамлакатнинг таълим тизимининг ички мантиғига, олий ўқув юртларида қабул қилинган лавозим тузилмаси асосидаги принципларга, ишга қабул қилиш шароитлари ва хизматда ўсиш бўйича ПЎТ кўтарилишга ва ўқув жараённинг сифатини таъминлашга йўналтирилган ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш методига асосланган. АҚШ олий ўқув юртларида қабул қилинган лавозим тузилмаси узлуксиз ва дифференциал бўлиб ҳисобланади. У профессор ассистенти, доцент ва профессор (айрим ҳолларда қўшимча бошланғич «инструктор» тоифасини киритиш назарда тутилади) каби уч-тўртта асосий лавозим тоифасининг мавжуд бўлишини назарда тутади. Бирок ҳар бир лавозим тоифасининг ичида бир нечта лавозим даражаларининг мавжудлиги назарда тутилади, лавозим даражаларига ўқитувчилар ҳар икки-уч йилда иш ҳаққига тегишлича қўшимча қўшиш йўли билан автоматик тарзда ўтказилади.

Олий ўқув юртларида «профессор ассистенти» тоифа учун тўрттадан олтигача лавозим даражалари мавжуд. Мехнатга ҳақ тўлашнинг навбатдаги даражасига ўтиш ҳар 2 йилда амалга оширилади. Доцентлар учун тўртта-бешта

лавозим даражаларининг мавжуд бўлиши назарда тутилган. Учинчи даражагача ўтказиш ҳар 2 йилда, тўртинчи йилдан ҳар уч йилда амалга оширилади.

Професорлар учун еттита-саккизта лавозим даражалар назарда тутилган. Жуда юқори даражага ўтказиш ҳар 3 йилда, тўртинчи даржагача ўтказиш амалга оширилади. Талаблар кескин ошиб боради. Профессор лавозимларнинг энг юқори даражасига ўтиш талабгорларнинг қўшимча текшириш процедуралари амалга ошириш ва уларнинг меҳнатларини халқаро тан олишни тасдиқлаш назарда тутилади.

Бир тоифадан бошқа тоифага ўтиш ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатларини ҳар томонлама текшириш процедураларини амалга ошириш зарур бўлади.

АҚШ олий ўқув юртларининг профессор таркибининг ҳал этувчи жиҳат бўлиб ассистент лавозимдан доцент лавозимга ўтиш ҳисобланади, шунинг учун амалдаги қоидага мувофиқ шартнома асосида ишлашда ҳар 6-7 йилдан кейин доимий ишлайдиган ходимлар штатига киритилиши мумкин. Доимий штатгаишлиш стажини ҳисобга олган ҳолда автоматик киритиш назарда тутилмаган. Шунинг учун доцент лавозимига ўтказишга кафедранинг ички комиссиясининг ҳисботи, ташқи эксперtlар ва ҳамкасларининг муайян ўқитувчининг илмий-педагогик фаолияти сифатига баҳо бериши, доимий ПЎТ таркибининг сонидан кафедра аъзоларининг овоз бериши, кампуснинг сенатида (ўқув кенгashiда) маҳсус ёпик қўмитасининг маълумоти ва кампус раҳбарининг қарори керак бўлади. Университетнинг ишлар бошқармаси штат даражасига ва регентлар кенгashiда ушбу масалани ҳал этишда иштирок этиш ҳукуқи қолади. Бунда олий ўқув юрти раҳбариyaти доимий ходимлар разряядига ўтказиш билан доцент лавозимига ўтказиш тўғрисидаги ариза берган ўқитувчининг номзоди бўйича турли қарорларни қабул қилиши мумкин, хусусан:

1. унинг илтимосини тўлиқ қаноатлантириш;
2. доцент лавозимига ўтказиш, лекин доимий статусни беришга рад этиш;

3. унинг илтимосини рад этиш, бу олий ўкув юртидан кетишга олиб келади.

Ўқитувчининг фаолиятини ва имкониятини баҳолаш жараёни доцент ва профессор лавозимига ўтишда такрорланади. Доцентлар доимий штатда бўлмаган етакчи хусусий университетларда бундай текширувлар муҳим ва жиддий бўлиб ҳисобланади. Бу ерда тўлиқ профессор бўлиши учун олий ўкув юртда ўн ва ундан ортиқ йил ишлаган у ёки бошқа ҳамкасб лойиқлиги тўғрисидаги профессорларнинг фикри аниқланади. Агар фикр негатив бўлса, доимий ходимнинг статусига эга бўлмаган доцент олий ўкув юртидан бўшаши керак. Агар у доимий штатга олинган бўлса, унда ўзининг аввалги лавозимида қолади. Йирик университетлар профессор бўлишга уринмайдиган ёки ушбу лавозим 10 ёки 15 йилда ёки пенсияга чиқишигача бир неча йил олдин узоқ муддат ишлагани учун рағбатлантириш сифатида доцент лавозими берилади.

Бир қатор ҳолатларда истеъдодли ўқитувчи, агар бошқа олий ўкув юртига таклиф бўлганда, мансаб босқичлари орқали ўтиши кескин ўзгаради.

Ўқитувчиларни ишга қабул қилишнинг битим асоси, ҳар қандай лавозимнинг кўплаб кичик даражаларга эга узлуксиз дифференцияланган лавозим тузилмаси, юқори тоифага ўтиш ва пенсияга 70 ёшда чиқишиш бўйича мажбурият (нафақага чиқсан ўқитувчининг олий ўкув юрти билан кейинчалик ишлаши айrim ҳолатларда вамахсус рухсталар ва қасқа муддатли шартномаларда амалга оширилади) тўғрисидаги қоидага бирикишида доимий штатга ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда ўқитувчи фаолиятини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш мажбурияти олий ўкув юртларга профессор-ўқитувчи таркибини режалаштириш, сифатли ва миқдорий тартибга соли шва малака оширишга ўқитувчиларда қизиқиши бир вақтда рағбатлантириш муаммоларни ҳал этади.

Профессор-ўқитувчи фаолиятини ўкув жараёни сифатида таъминлашда баҳолаш ўрни ва ахамияти

АҚШ ўқитувчилари фаолиятини баҳолаш ўкув жараёни сифатини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми каби кўриб чиқилади ва АҚШ университетлари ва коллежларидағи департамент раҳбарининг энг қийин ва муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. АҚШ олий ўкув юртларида ўқитувчилар фаолиятини баҳолашга ёндашувлар қуидагилар бўйича қурилади:

- ✓ ҳар қандай даражада таълим олиш муваффақияти ўқитувчининг қўлида бўлади ва кўп ҳолларда шахсий характеристикалари ва касбий маҳорати билан белгиланади;
- ✓ баҳолаш самарадорлиги шароити бўлиб муайян мезонлар ва топширилган функциялар бажарилишига нисбатан ўқитувчиларга маслаҳат бериш тизимининг мавжудлиги ҳисобланади;
- ✓ даврий равишда амалга ошириладиган ўқитувчилик таркибининг фаолиятини баҳолаш ўқитувчилик муҳитида маънавий муҳитни яхшилаши ва қучли ва самарали амалдаги департаментни шакллантириш имконини бериши мумкин.

АҚШнинг кўпгина коллажлари ва университетлари ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш жараёни тўғрисидаги, хусусан, қанчалик кўп ва ким томонидан амалга оширилиши, қандай шаклда баҳоланиши, ким улардан фойдаланиши мумкинлиги, улар қандай фойдаланишади ва улардан қайси бири ўқитувчининг шахсий файлига киритилиши тўғрисидаги аниқ ахборотни ўз ичига олган расмий ҳужжатлар пакетларига эга бўлиши керак.

Кўп жиҳатни баҳолаш мақсади:

- ✓ ўқитувчининг лавозимини ошириш имкониятларини аниқлаш;
- ✓ уни доимий штатга киритиш;
- ✓ иш ҳаққининг янги даражасини белгилаш;
- ✓ муайян ўқитувчининг малака ошириши зарур бўлган педагогик сифат ва йўналишларни диагностика қилиш;

✓ талабалар қандай курс ва қайси ўқитувчиларни танлаши түгрисидаги зарур ахборотни олиш.

✓ талабаларнинг ўз олий ўқув юртларидан қаноатланиш даражасини аниқлаш.

Баҳолашнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ўқитувчи ўз фаолиятини такомиллаштириши учун касбий функцияларининг даражаси улар томонидан ўлчашнинг муайян инструменти билан таъминлаш ҳисобланади.

Баҳолаши асоси. Баҳоланиши керак бўлган фаолият соҳаси одатда университет устави, ёлланган ходимлар соҳасида сиёsat түгрисидаги ёки касаба иттифоқининг битимлари түгрисиадги штатлар қўлланмаси каби қатор расмий хужжатларда келтирилади. Турли университетларда, шу университетнинг департаментларидағи фаолият соҳаси, шунингдек турли ўқитувчилар баҳоланиши керак бўлган рўйхат турлича бўлиши мумкин. Бунда ушбу хужжатларга киритилган фаолият соҳасининг ҳар хиллиги, натижалари, микдорий ва сифат характеристикаларини белгилаб ўтиш керак. Кўп ҳолларда ушбу рўйхат ўз ичига ўқитиш, ижодий фаолият ва жамоат фаоллик каби турли расмий хужжатлардан ўзлаштирилган фаолият соҳасини олади.

Кўпгина университетнинг муҳим академик функциялари ўз ичига ўқитиш, тадқиқотларни ўтказиш, жамоат фаолиятда иштирокини олганлиги сабабли, баҳолашга, қоидага кўра, илмий, ўқитувчилик ва ёрдамчи фаолият баҳоланади.

Бироқ барча ҳолатларда ўқитувчи, ундан нима кутилаётганлигини ва қандай унинг касбий фаолияти баҳоланишини билиши керак.

Баҳолаши мезонлари ва қўрсаткичлари. АҚШда ПЎТ фаолиятини баҳолаши касбий стандартлар асосида амалга оширилади, улар асосида яхши ўқитувчи аудитория билан мулоқат қилишини билиши билан фарқланади, бу нутқнинг тиниқлигини, ўқув жараёнини тўғри ташкил этишини, фанни яхши билишини, ўқув материалнинг тўғри қуришини,

баён этишининг яхии стилини, талабаларнинг билиши фаолиятини разбатлантиришини билишини билдиради.

Бунда малакали деб ҳисоблашлари учун, олий ўкув юртининг ўқитувчилари қуидаги сифатларга эга бўлиши керак:

- ✓ фанини яхши билиши;
- ✓ фанининг мазмунини аниқ ва қулай тарзда баён этишни ва ўкув жараёнда замонавий техник воситалардан фойдаланишини билиши;
- ✓ баён этилган материални амалиётдан аниқ мисоллар билан боғлаш;
- ✓ муҳокама қилинаётган мавзуга талабаларнинг ҳар томондан ёндашиши учун керак вақтда савол беришни билиши;
- ✓ диқкат билан эшитишни билиши;
- ✓ талабалар билан мулокатни ўрнатиш учун ҳазилни тушуниши;
- ✓ ўз ишига ғайрат билан ёндашиш (ўқитувчининг ғайрати талабаларга ўтади);
- ✓ ижодий фикрга эга бўлиши (ўқитувчи ўз фани бўйича қанчалик кўп билишга интилса, амалиётда янги ғояларнинг пайдо бўлиш ва амалга ошиш эҳтимоли юқори бўлади);
- ✓ талабаларни ўз вақтида рухлантиришни ва мақташни билиши;
- ✓ якунни чиқаришда объектив бўлиши;
- ✓ тажрибали ўқитувчилар билан маслаҳатлашишдан уялмаслилиги;
- ✓ ўз ҳамкаслари билан ғоялар билан алмашиниши, ўз билим соҳасида замонавий янгиликлар ва тенденциялар билан танишиши мумкин бўлган касбий ташкилотнинг фаол аъзоси бўлиши;
- ✓ бардошли бўлиши ва иккита бир хил талаба бўлмаслигини ҳар доим эсда тутиши, шунинг учун ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини билиши зарур, агар бир неча марта такрорлаш зарур бўлса, баён этилган материални тушунтириши.

Фаолият соҳаси сифатида ўқитишни баҳолаш қуидаги жиҳатлар кўриб чиқилади:

- ✓ ўқув курси мақсадининг билим ва кўникмаларига мувофиқлиги;
- ✓ талабаларнинг танқидий фикрларни ва ижодий имкониятларини қуйилган мақсадларга мослаб ривожлантириш;
- ✓ ўқитувчилар томонидан ўз мажбуритялари бажарилганда касбий муаммоланинг қабул қилинган стандартларига эришишлик.

Ўқитишни баҳолаш учун далил манбалари бўлиб ўқитувчининг юқори фаолият даражасини белгилайдиган бешта асосий омиллар ҳисобланади:

- ✓ машғулотни тайёрлашда ва ўтказиша ташкилий аниқлик ва тиниқлик даражаси (ўқитувчи энг муҳим жойларини ажратган ҳолда материални аниқ ва равshan баён этиши керак);
- ✓ таҳлил ва синтез қилиш имконияти (хусусиятларидан фарқли бўлган нуқтаи назарни кўриб чиқишини ва муҳокама қилишини, турли назария қоидалари қўлланилиш имкониятларини таққослашни билиши);
- ✓ талабалар билан ўзаро ишлашни билиши (ўқитувчининг аудиториядан ташқарида ишлаш шароитларига қулайлиги, талабалар билан мулоқат қилишга самимий қизиқиши);
- ✓ гурӯҳ билан ўзаро ишлашни билиши (аудиторияда бўладиган мунозараларни рағбатлантириш, ўқитувчи, гурӯҳ уни тушунмаслигини ўз вақтида англаб олиши);
- ✓ динамизм ва энтузиазм хусусиятига эга бўлиши (ўз фанига қизиқиши, материални қизиқарли қилиб беришни билиши).

Ўқитувчилар ўз хамкасбларининг фаолиятини баҳоланганд ҳолда, қуидаги кўрсаткичларга биринчи навбатда қаратишади:

- ✓ фанни билиш даражаси;
- ✓ маъруза машғулотларини ташкил этиш сифати;

- ✓ курс дастурининг ўқитиши мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги;
- ✓ ўқитишининг қўлланиладиган методлари (маъруза ўқиш, ТЎВ қўлланилиши ва х.);
Кўпгина ташкилотлар, фирмалар таълим муассасалари ўзларини иш жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун электрон маълумотлар базаларидан фойдаланадилар. Маълумотлар базалари Clipper, Dbase, FoxPro, Paradox, Access файлларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилар эди. Одатда улар бир–бирларидан мустақил равишда қўлланилади. Агар маълумотлар бундай маълумотлар базаларида сақланса ва мутахассис бўлмаган бошқа фойдаланувчилар бу базадан фойдаланмоқчи бўлса, у ҳолда маълумотлар базасини тарқатиш учун маълумотлар базасини бошқариш системалари орқали яратилган қоғозли ҳисобот ва справкалар қўлланилган.

World Wide Web технологияси таржима қилинганда "дунё ўргимчак тўри" маъносини билдириб, бу технология ўзининг фойдаланувчи интерфейси соддалиги туфайли кенг қўлланила бошланди. Гипертекст асосидаги "нима қизиқарли бўлса, шуни танла" принципи интуитив ҳолда барчага тушунарли. WWW технологиясида кўрилаётган ҳужжатдаги қалит тушунчалар: сўзлар, тасвиirlар – ушбу тушунчани кенгроқ ёритиб берувчи янги ҳужжат тарзида

“очилиш” имкониятига эга. Маълумотларни бундай тарзда тасвирлаш усули “гипрматн”, бундай шаклда тасвираган ҳужжатлар “гиперматнли ҳужжат” деб аталади. Бу ҳужжатларни яратиш учун маҳсус тил – гипертекстларни ёзиш тили ёки HTML (инглизча варианти HyperText Markup Language) тили деб аталади.

Бундай имконият мавжудлиги тўпланган маълумотларни гипертекстли WWW ҳужжатларга ўзгартириш масаласини, бошқача айтганда мавжуд маълумотлар базасига WWW мурожаатни яратиш масаласини келтириб чиқаради.

Бирор ахборот ресурсларига WWW технологиясидан фойдаланиб мурожаатни таъминлаш учун учун қуйидаги компонентлари мавжуд бўлиши лозим:


1. IP - протоколи.
2. WWW-сервери. Бу сервер WWW – мижозларнинг сўровларига IP – протоколи орқали гипертекстли ҳужжатларни хавола этишни таъминлайди.

Хавола этиладиган гипертекстли ҳужжатлар HTML тилида мавжуд бўлади. Бу ҳужжатлар ёки статик шаклда (дискдаги файллар тарзида), ёки фойдаланувчининг сўрови параметрларига мос ҳолда маҳсус дастурий таъминот ёрдамида динамик ҳолда яратилади.

Маълумотлар базасига WWW – мурожаат З та асосий усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади. Бу усуллардан бирида гипертекстли ҳужжатлар МБ асосида динамик тарзда яратилади. Бу усулда МБ га мурожаат WWW – мижоз сўровига жавоб сифатида WWW – сервер томонидан ишга тушириладиган WEB – дастур ёрдамида амалга оширилади. HTML – ҳужжатни яратади. Дастурлаш тилларини ўргатишга мўлжалланган ўқитиш тизимини яратиш интернет мухити орқали амалга оширилувчи дастурний таъминот яратиш учун электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш зарур бўлади. Компьютер тармоқлари учун яратилган дастурий таъминотларни асосан кўпчилиги Web – сахифа кўринишида ташкил этилиб, уларда фойдаланувчи интерфейси Web

күринишида амалга оширилади. Демак ўқитиш тизимининг дастурий таъминоти учун зарур маълумотлар базасини бошқаришда танланадиган маълумотлар базасини бошқариш тизимларига (МБТ) Web – технологиялари орқали мурожаат этиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Бунинг учун MySQL маълумотлар базасини бошқариш системаси танланади .

Web – технология асосида Web – сервер томонидаги маълумотлар базасига мурожаатни амалга ошириш моделини қуидагича тасвирлаш мумкин (3-расм) [19]:



3.-расм. Маълумотлар базасига мурожаат этиш модули.

3.-расмда тасвирланганидек Web – броузер, яъни фойдаланувчи берган сўровга Web – сервер жавоб бериши учун маҳсус дастур – PHP скриптни ишга туширади. Бунда Web –сервер PHP скриптга параметр сифатида фойдаланувчи сўровидаги параметрларни беради. PHP – скрипт ўз навбатида MYSQL маълумотлар базасини бошқариш системасига мурожаат қилади ва берилган параметрлар асосида маълум амалларни бажаради. Олинган натижалар Web-сервер томонидан HTML ҳужжат шаклида сўров берган фойдаланувчига ва мижозга жавоб сифатида жўнатилади.

Объектга йўналтирилган дастурлаш тилларини ўргатишга мўлжалланган ўқитиш тизимини амалга оширувчи дастурий таъминотда Web – сервер сифатида Apache Tomcat танланган. Маълумотлар базасини бошқариш

системаси сифатида PostgreSQL танланган.

Маълумотлар базасини яратишдан олдин реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаш, ҳолатини аниқлаш, маълумотларни мантиқий тузилишини ва жадваллараро алоқаларни аниқлаш лозим бўлади. Қуйида маълумотлар базасини лойиҳалаш ва яратиш босқичлари келтирилган:

1. Маълумотлар базаси тузилишини яратиш;
2. Жадвалларни тасвирлаш;
3. Жадваллар қаторларини тасвирлаш;
4. MySQL тилида жадвалларни яратиш;
5. Жадвалларни маълумотлар билан тўлдириш;

Интернетда маълумотлар базасини бошқариш учун MySQL маълумотлар базасини бошқариш системаси ҳозирги кундаги энг машҳур воситадир. PostgreSQL тилида жадвал майдонларининг қўйидаги типлари мавжуд:

3-жадвал. Бутун сонли маълумотлар типлари.

Тип	Таърифи
TINYINT	-128 дан+127 гача сонларни сақлаши мумкин
SMALLINT	-32 768 дан 32 767 гача
MEDIUMINT	-8 388 608 ... 8 388 607
INT	Диапазони -2 147 483 648 ...2 147 483 647
BIGINT	Диапазони -9 223 372 036 854 775 808 ... 9 223 372 036 854 775 807

4-жадвал. Рационал сонлар типлари.

Тип	Таърифи
FLOAT	кичик аниқликдаги ўзгарувчан вергулли сон
DOUBLE	Иккиланган аниқликдаги ўзгарувчан вергулли сон
REAL	DOUBLE синоними

DECIMAL	сатр шаклида сақланувчи каср сон
NUMERIC	DECIMAL синоними

5-жадвал. Сатрлар типлари.

Тип	Таърифи
TINYTEXT	255 та символгача бўлган сатр
TEXT	65535 символли сатр
MEDIUMTEXT	16 777 215 гача бўлган символ сақлаши мумкин
LONGTEXT	4 294 967 295 СИМВОЛ

6-жадвал. Сана ва вақт.

Тип	Таърифи
DATE	йий-оо-сс форматдаги сана
TIME	сс:мм:сс форматдаги вақт
DATETIME	йий-оо-сс сс:мм:сс форматдаги сана ва вақт
TIMESTAMP	timestamp форматдаги сана ва вақт

Дастлаб маълумотлар базасини ва уни ташкил қилувчи жадвалларини яратиш керак. Бунга ўргатишга мўлжалланган ўқитиш тизими учун зарур бўлган, барча маълумотларни киритамиз.

Қўйида маълумотлар базасининг баъзи бир жадвалларини яратиш келтирилган.

-- Table: myuser

CREATE TABLE myuser(

id serial NOT NULL,

isactive boolean,

```
    password character varying(255),  
    username character varying(255),  
    "role" integer,  
    CONSTRAINT myuser_pkey PRIMARY KEY (id),  
    CONSTRAINT fkc0e04377922181a9 FOREIGN KEY ("role")  
        REFERENCES "role" (id) MATCH SIMPLE  
        ON UPDATE NO ACTION ON DELETE NO ACTION  
)
```

```
-- Table: myuser
```

```
-- DROP TABLE myuser;
```

```
CREATE TABLE myuser  
(  
    id serial NOT NULL,  
    isactive boolean,  
    password character varying(255),  
    username character varying(255),  
    "role" integer,  
    CONSTRAINT myuser_pkey PRIMARY KEY (id),  
    CONSTRAINT fkc0e04377922181a9 FOREIGN KEY ("role")  
        REFERENCES "role" (id) MATCH SIMPLE  
        ON UPDATE NO ACTION ON DELETE NO ACTION  
)
```

```
-- Table: category
```

```
CREATE TABLE category
```

```
(  
    id serial NOT NULL,  
    ball integer,  
    description character varying(255),  
    isactive boolean,  
    "name" character varying(255),  
    CONSTRAINT category_pkey PRIMARY KEY (id)  
)
```

```
-- Table: question
```

```
CREATE TABLE question  
(  
    id serial NOT NULL,  
    isactive boolean,  
    "name" character varying(255),  
    categoryid integer,  
    CONSTRAINT question_pkey PRIMARY KEY (id),  
    CONSTRAINT fkba823be62d2819d4 FOREIGN KEY (categoryid)  
        REFERENCES category (id) MATCH SIMPLE  
        ON UPDATE NO ACTION ON DELETE NO ACTION  
)
```

```
-- Table: answer
```

```
-- DROP TABLE answer;
```

```
CREATE TABLE answer  
(
```

```
    id serial NOT NULL,  
    itema character varying(255),  
    itemb character varying(255),  
    itemc character varying(255),  
    itemd character varying(255),  
    question integer,  
    CONSTRAINT answer_pkey PRIMARY KEY (id),  
    CONSTRAINT fkabca3fbe51e25209 FOREIGN KEY (question)  
        REFERENCES question (id) MATCH SIMPLE  
        ON UPDATE NO ACTION ON DELETE NO ACTION  
)
```

```
-- Table: correct_answer  
CREATE TABLE correct_answer(  
    id serial NOT NULL,  
    correct character varying(255),  
    question integer,  
    CONSTRAINT correct_answer_pkey PRIMARY KEY (id),  
    CONSTRAINT fk953b293351e25209 FOREIGN KEY (question)  
        REFERENCES question (id) MATCH SIMPLE  
        ON UPDATE NO ACTION ON DELETE NO ACTION  
)
```


```
-- Table: user_answer  
CREATE TABLE user_answer  
(  
    id serial NOT NULL,  
    coorect_answer character varying(255),
```

```

    istrue character varying(255),
    selected_answer character varying(255),
    CONSTRAINT user_answer_pkey PRIMARY KEY (id)

```

Маълумотлар базаси жадваллари орасидаги боғланишлар қўйидаги 4.-расмда келтирилган. Келтирилган схемада маълумотлар базасини ташкил қилувчи жадваллар ўртасидаги боғланиш кўрсатилган бўлиб, унинг ёрдамида ўқитиши тизимидағи мавжуд маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва намойиш қилиш учун мўлжалланган.




4-расм. Маълумотлар базасини ташкил қилувчи жадваллар ўртасидаги боғланиши.

2.3 Дастурий таъминотдан фойдаланиш учун йўриқнома ишлаб чиқиши

Ўқитувчилар, факультетлар ва кафедралар рейтингининг натижалари рейтингни ҳисоблашнинг қайси моделини ташкилотчилар томонидан танланиши билан белгиланади. Бунда ўқитувчилар рейтингини ҳисоблаш моделининг иккита варианти берилган, уларнинг имкониятлари ва чекловлар


кўрсатиб ўтилган. Биринчи модель максимал мумкин бўлган натижаларни ҳисоблаш асосида қурилади ва касбий фаолият турлари бўйича чекловларнинг олтига зонаси аниқланади. Иккинчи модель ўртacha рейтингни ҳисоблаш ва ўртacha қийматга нисбатан рейтингнинг тўртта даражаларини ўрнатиш асосида қурилади.




5-Расм. Тизимга кириши

The screenshot shows a Firefox browser window with the URL <http://localhost:8080/createUser.html>. The page title is 'Yangi foydalanuvchi yaratish'. The form is divided into two sections: 'Shahsiy ma'lumotlar' (Personal information) and 'Tizm uchun ma'lumotlar' (Information for the system). The 'Shahsiy ma'lumotlar' section contains fields for 'Ismi:' (Name), 'Familyasi:' (Family name), 'Otasining ismi:' (Father's name), and 'E-mail:'. The 'Tizm uchun ma'lumotlar' section contains fields for 'Foydalanuvchi nomi:' (User name), 'Parol:' (Password), 'Foydalanuchi roli:' (User role), and a dropdown menu set to 'Tanlang'. There is also a checkbox for 'Tizimga kirish uchun ruhsat berish:' (Allow login to the system). A 'Sign Up' button is at the bottom.

6-Расм. Рўйхатдан ўтии




7-Расм. Хотирани мустаҳкамлаши учун тест



8-Расм. Ҳорижий тилларни билиши даражасини аниқлаши учун тест

Келтирилган варианtlар мумкин бўлган танловларнинг барча маконлари тугашини таъкидлаб ўтиш керак. Бошқа моделлар ҳам мавжуд. Ҳар қандай модель олий ўкув юртида танланишидан қатъи назар, кафедралар ва факультетлар рейтинги профессор-ўқитувчи таркиб тейтингини аниқлаш процедуралари олдин бўлади, чунки ўқитувчининг меҳнати факультет ва кафедра эришиладиган натижаларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Кафедранинг ПЎТнинг индивидуал рейтинги унинг рейтингидан, кафедра рейтингидан факультет рейтингидан иборат бўлади. Кафедралар (факультетлар) рейтингини ҳисоблашнинг қатъий модели ўртacha рейтингини ҳисоблашдан ва ўкув йили давомида кафедра (факултет) ўқитувчилари томонидан эришиладиган натижаларга боғлиқ бўладиган кафедралар (факультетлар)ни тўрт гурухга бир хиллаштиришдан иборат. Бунда факультектлар ва кафедраларнинг рейтинг натижаларини ўtkазиш ва изоҳлашга бошқа ёндашувлар кўриб чиқилиши мумкин.




9-Расм. Ўқитувчилар касбий фаолиятининг сифатини рейтингли баҳолаш тизимининг умумлашган схемаси

Ўқитувчилар, кафедралар, факультетлар касбий фаолиятининг сифатини рейтингли баҳолашда комплексли баҳолаш усули самаралироқ ҳисобланади. Ўқитувчилар касбий фаолиятининг сифатини комплексли баҳолаш куйидагиларни ўз ичига олади.

- ✓ Формал кўрсаткичлар бўйича баҳолаш
- ✓ 360 * баҳолаш усули
- ✓ Талабалар тамонидан баҳолаш
- ✓ Шахсга оид баҳолаш


Формал кўрсаткичлар бўйича баҳолаш. Бу бўлимда ўқитувчининг классификацияси, ўқув методик ишлари, илмий тадқиқот ишлари, педагогик фаолияти, ўқув тарбиявий ишлари, мутахассислиги бўйича малака оширганлиги, сертификатларга эга бўлганлиги ва мукофотлар билан мукофотланганлиги инобатга олинади.



10-расм. Формал күрсаткичлар бүйича баҳолаши.

Бу бўлимда қайд этилган натижаларни кўриш ва анализ қилишни осонлаштириш мақсадида диаграммадан фойдаланилган. Формал күрсаткичлар бүйича баҳолаш диаграммасида таснифлаш, ўқув-методик ишлар, илмий тадқиқот ишлари, ўқитувчилик фаолияти, ташкилий ва жамоат ишлари, кадрлар тайёрлаш ва сертификатларга эга бўлиш ва мукофотлар күрсаткичлари бўйича қайд этилган баҳолар ўз аксини топган.


360* баҳолаш усули. Бу бўлимда кафедралар, факультетлар, педагогик жамоа аъзолари тамонидан муайян бир ўқитувчининг касбий фаолиятига берган баҳолари ва ўқитувчининг ўз-ўзига берган баҳолари инобатта олинади. 360* баҳолаш усули ёрдамида олинган натижалар қўйидаги расмда кўрсатилган



11-расм. 360* баҳолаш усули

360* баҳолаш усули диаграммасида талабанинг ўз-ўзини баҳолаш ва жамоанинг баҳоси кўрсаткичлари ўз аксини топган.

Талабалар тамонидан баҳолаш. Бу бўлимда ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолияти талабалар тамонидан баҳоланади. Бу жарайнда педагогнинг таълим бериш жараёнида ўқув материалларини етказиб бериши, АҚТдан фойдаланиш даражаси, таълим берадиган талабаларининг билим даражаси ҳамда ўқитувчининг тавифномаси инботга олинади.



12-расм. Талабалар тамонидан баҳолаш


Талабалар тамонидан баҳолаш диаграммасида материалларни етказиб бериш, талабаларнинг билим даражаси, ўқитувчининг тавсифномаси ва АКТ дан фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича қайд этилган баҳолар ўз аксини топган.

Шахсга оид баҳолаш. Бу бўлимда педагогнин айнан шахсий фазилатлари ва билим даражаси баҳоланади. Ўқитувчининг фикрлаш доираси, эмоционал ҳусусиятлари, иш самарадарлиги, лидерлик ва бошқариш қобилиятини аниқлашга қаратилган тест саволлари асосида баҳолаш назарда тутилади.




13-расм. Шахсга оид баҳолаш.

Шахсга оид баҳолаш диаграммасида фикрлашга оид тест, эммоционал интеллект тести, лидерлик қобилиятини аниқлаш учун тест, самарадорликни аниқлаш учун тест ва бошқара олиш қобилияти кўрсаткичлари бўйича қайд этилган баҳолар ўз аксини топган.



14-расм. Рейтинг натижсалары

Бу бўлимда Формал кўрсаткичлар бўйича баҳолаш, 360* баҳолаш усули, Талабалар тамонидан баҳолаш ва Шахсга оид баҳолаш бўлимларида тўпланган умумий баллар ва олиниши мумкин бўлган максимал баллар гистограмма кўринишида келтирилган.



15-расм. Ўртача қиймат.

Бу бўлимда олинган барча балларнинг ўртача қиймати хисоблаб, гистограмма кўринишида чиқарилади.

Натижаларни таҳлил қилиш. Кафедрада рейтингни аниқлаш процедуроси учун кафедра мудири жавобгар бўлади. Кафедра мудири ўкув йили тугаганда тасдиқланган шакл бўйича рейтинг маътериалларни ўкув-услубий бўлим (сифат хизмати)га тақдим этади. Рейтинг натижалари кафедра йиғилишида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Ўкув-услубий бўлим бошлиги университетнинг ПЎТнинг умумий рейтинги, факультетлар ва кафедралар рейтингини тузиш учун масъул ва ушбу ахборотни олий ўкув юрти раҳбариятига таҳлил қилиш учун тақдим этилади.

ПЎТ касбий фаолияти, факультетлар ва кафедраларнинг сифатини рейтингли баҳолаш натижаларини тақдим этиш усуллари турлича бўлиши мумкин:

- ✓ ўқитувчилар, факультетлар ва кафедраларни муайян қоидага эга рўйхатлар
 - ✓ барча фаолият турлари бўйича балли баҳолаш;
 - ✓ кафедра, факультетнинг ўқитувчилар таркибининг касбий фаолияти даражаси тўғрисидаги, шунингдек олий ўкув юрти бўйича қисқача хулоса;
 - ✓ кафедра, факультет, олий ўкув юрти фаолиятининг сифати тўғрисидаги батафсил маълумотлар

3. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

3.1. Иш жойини ташкил қилиш

Иш жойи — ходим ёки ходимлар гурухи меҳнат фаолиятини ўтайдиган зонадир. Иш жойлари шахсий ва жамоавий, универсал, маҳсус ва маҳсуслаштирилган бўлиши мумкин. Иш жойларини лойиҳалаштиришда қуидаги умумий талаблар бажарилиши керак:

- инсон учун етарли иш бўшлигининг бўлиши;
- ходим танасининг оптималь ҳолати;
- инсон ва машина орасида етарли физик, кузатиш ва эшитиш алоқасининг бўлиши;
- бинода иш жойининг оптималь жойлаштирилиши;
- ишлаб чиқариш омиллари таъсирининг рухсат этилган даражаларда бўлиши, ахборот майдонининг оптималь жойлаштирилиши;
- ишлаб чиқариш хавфларидан ҳимоя воситаларининг мажудлиги.

Лойиҳалаштириш иш жойи ахборот майдони зонасини оптималь ва осон этишни таъминлаши керак. Горизонтга нисбатан кузатиш бурчаги $30-40^0$ бўлиши керак.

Иш ҳолатини танлашда инсон сарфлайдиган кучанишни, ҳаракат қадамини, силжиш заруратларини ва операциялар тезлигини, шунингдек, инсон физиологиясини эътиборга олиш керак.

Иш жойини ташкил этишда ва қурилмаларни лойиҳалашда ходимнинг оптималь ҳолатини таъминлаш учун алоҳида элементларни ростлаш имкониятлари кўзда тутилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматизациялаштиришнинг кейинги ривожланишида бошқариладиган обьект ҳақида ахборотни акслантириш воситалари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бошқариладиган объект ҳолати ҳақида маълум ахборот коидалари бўйича ташкил этилган ахборот моделлари кенг қўлланилмокда. Ахборот моделлариига қўйидаги талаблар қўйилади:

- Ахборот моделининг таркиби бошқариладиган объектни аниқ курсатиши керак;
- Ахборот модели оптимал ахборот балансини таъминлаши керак;
- Ахборот моделининг шакли ва композицияси иш жараёни вазифаси ва ахборотни қабул килиш бўйича ходимнинг имкониятларига мос келиши керак.

Ахборот моделини лойиҳалаш жараёнида ахборотни акслантириш воситаларининг иш жойида жойлаштириш ўрни, белгиларнинг ўлчамлари ва уларнинг компановкаси танланади. Ахборотни акслантириш воситалари ходимнинг кўриш майдонида оптимал бурчаклар ва кузатиш зonasини эътиборга олган ҳолда жойлаштирилади. Кузатиш белгиларининг ўлчамлари ахборотни қабул килиш максимал тезлиги ва аниқлигини, шунингдек, белгиларнинг равшанлигини, ёрқинлик қийматини, рандан фойдаланишни эътиборга олган аниқланади.

Иш жойини лойиҳалашда ҳаракатларни тежаш коидалари эътиборга олиниши керак, яъни икки қўлда ишлашда уларнинг ҳаракати бир вақтда ва симметрик бўлиши керак, ҳаракатлар эса юмшоқ, ритмли ва ходим учун одатий бўлиши керак. Қурилманинг конструкциясида иш ҳаракатлари аниқлиги ва тезлиги эътиборга олиниши керак

Оператор алоқачи (диспетчерликдаги оператор)
автоматлаштирилган иш жойида, асосан, қўйидагилардан
фойдаланилади:

- Персонал фойдаланилайдиган ахборотни акслантириш воситалари (акслантириш блоклари, сигнализация қурилмалари ва х.к.);

- Ахборотларни киритиш ва бошқариш воситалари (дисплей пульти, клавиатура, бошқариш органлари ва х.к.);
- Алоқа ва ахборотларни узатиш қурилмалари (модемлар, телеграф ва телефон аппаратлари):
 - Ахборотларни сақлаш ва хужжатлаштириш қурилмалари (оргтехника жиҳозлари, ахборотларни сақлаш воситалари, маҳаллий ёритиш қурилмалари ва х.к.).

Иш зонасида ходим ўриндиғи ва техник воситаларнинг жойлаштирилиши асосий функционал қисмлар ва аппаратура блокларига техник диагностикани, профилактик кўриш ва тузатиш учун қулай етишни таъминлаши керак.

Кузатиш масофаси 700 мм дан ортиқ бўлмаслиги учун дисплей стол ёки тагликка ўрнатилиши керак (оптималь масофа 450 - 500 мм).

Ионлашган ва радиацион нурланишлар ва улардан ҳимоя

Ионлашган (радиацион) нурланишлар рентген нурланишлари, α , β , γ – нурланишлар ҳисобланади.

α , β , γ – нурланишлар манбалари радиоактив моддалар ҳисобланади ва улар алоқа соҳасида назорат-ўлчов аппаратураларида, ёнгин сигнализацияси системаларида ишлатилади.

Рентген нурланишлари (ёнлаб киловольт) юқори кучланишли электровакуум асбобларида вужудга келади. Бу юргурма тўлқин лампалари, электрон нурли трубкалардир.

Нурланиш таъсирида организмда моддалар алмашиши бузилади, ички секреция безлари, қон-томир органларга зарар етади. Натижада умумий ва маҳаллий шикастланишлар шаклида ўткир ва сурункали нурланиш касаллиги ривожланади.

Умумий – лейкемия (оқ қон).

Маҳаллий – хатарли шишлар, тери касалликлардир. Ионлашган нурланиш тўқималарнинг генетик кодига таъсир этади, олдини олиб бўлмайдиган ўзгаришларни келтириб чиқаради, кейинги авлодларга ўтишига олиб келади.

Инсоннинг **шикастланиш даражаси** ютилган доза, нурланиш тури, таъсир вақти, индивидуал таъсирилилкка боғлиқ.

Радиацион хавфсизлик нормалари бўйича белгиланган дозалар ўрнатилган:

- (А тоифа) ионлашган нурланиш манбаида бевосита ишлайдиган шахслар учун (доза 3 бэрдан ошмаслиги керак);
- (Б тоифа) нурланиш манбаилар яқинида ишлайдиганлар учун (доза 0,5 бэрдан ошмаслиги керак);
- (В тоифа) умуман бутун аҳоли учун (доза 0,05 бэрдан ошмаслиги керак).

Қатор **техник ва ташкилий** тадбирлар ёрдамида ионлашган ва радиацион нурланишлар тасиридан ҳимояланиш мумкин.

Техник чоралар сифатида экранлаштириш, герметизациялаш ва масофадан бошқариш.

Индивидуал ҳимоя воситалари – халатлар, комбинезонлар, бош кийимлари, шлемлар, резина қўлқоплар, кўзойнаклар, респираторлар, маҳсус ҳаво узатадиган пневмо-костюмлар.

Индивидуал ҳимоя воситалари альфа-нурланиш таъсирида самарали ва гамма-нурланиш таъсирида кам самара беради.

Мунтазам ҳимоя воситалари дезактивация қилинади. Радиоактив моддалар ва ионлашган нурланиш манбалари билан ишловчи шахслар қўшимча имтиёзлардан фойдаланади (қисқартирилган иш ҳафтаси, қўшимча таътил).

3.2. Лазер нурланишлари ва улардан ҳимоя

Оптик квант генератори «лазер» деб аталади. Лазерли воситалар мураккаб пайвандлаш ишларида, жуда аниқ ўлчов ишларида, олмосли асбобларга ишлов

беришда ва бошка кўпгина соҳаларда қўлланилади. **Телекоммуникация соҳасида ишлатиладиган лазерли воситаларга лазерли нурланиш генераторлари ва лазер нурланишларини генерациялаш ва кучайтиришга мўлжалланган оптик кучайтиргичлар** киради.

Лазер нурларининг инсон организмига таъсири, унинг нурланиш йўналиши, тўлқин узунлиги, нурланиш қуввати, импульсли харкети ва уларнинг частоталарига боғлиқ. Лазер нурлари энергияси организм хужайраларига ютилиб, уларда иссиқлик ажрала бошлайди. Ёғ хужайралари энергияни мутлоқ ютмайди.

Кўз хужайраларида ёғсимон қават йўқ, шунинг учун лазер учун ниҳоятда ҳавфли.

Лазер нурланишларидан ҳимояланиш учун тўсиқлардан ва ҳавфсизлик белгиларидан фойдаланилади. Лазер қурилмаларини ўрнатиладиган хона алоҳида ва маҳсус жиҳозланган бўлиши керак. Хона деворлари ўтга чидамли, нурланишни қайтариш коэффициенти жуда кам бўлиши зарур. Жиҳозлар устки қоплами ва деталлари ялтирамаслиги керак. Хона ёритилиши максимал миқдорда бўлиши, яъни кўз қорачиғи минимал кенгайган бўлиши керак.

Лазерли воситаларни масофадан туриб бошқариш ва автоматлаштириш яхши натижалар беради. Шахсий муҳофаза воситаси сифатида фильтрли муҳофаза кўзойнаги, ҳалатлар ва қўлқопларни тавсия этиш мумкин.

Лазерли воситаларга эга бўлган қурилмаларда ишлаганда ўрнатилган стандартлар, санитар меъёрлар, лазерли қурилмалар ва уларни ишлатиш қоидалари талабларига мос бажарилиши керак.

Лазерли воситалар билан ишлашда конструкциясига, ҳавфлилик синfiga, шунингдек, лазерли воситанинг ишлатилиши шароитларига боғлиқ равища, уларни тайёрлашда, ишлатишда ва хизмат кўрсатишда заарли ва ҳавфли ишлаб

чиқариш омилларидан ҳимоялаш ва конкрет хавфсизлик чоралари, шу жумладан, индивидуал ҳимоя воситалари техник шартларда ва хужжатларда кўрсатилиши керак.

3.3. Ўт олиши ва алангани ўчириш воситалари тўғрисида умумий маълумотлар

Ёниш-модда оксидланишининг тезкор кимёвий реакцияси бўлиб, кўп микдордаги иссиқлик ва ёруғликнинг ажралиб чиқиши билан характерланади. Ёниш аланга билан ва алангасиз ҳам бўлиши мумкин. Ёниш жараёни агар ёнилғи моддалари, оксид ва аланга манбаи мавжуд бўлган жойда ҳосил бўлади.

Ёқилиш манбаи бўлиб, ёнаётган ёки қизиган модда, шунингдек етарли даражада иссиқлик энергияси заҳирасига эга электр разряди хизмат қиласди.

Оксидловчи-ҳавода мавжуд кислород, бироқ ёниш жараёни кислород бўлмаган тақдирда ҳам чиқиши мумкин. Водород, сурма ва айрим металлар хлорда ёнади. Ёниш жараёни оксидловчи етарли даражада мавжуд бўлганда амалга ошиши мумкин. Кўпчилик моддаларнинг ёниши ҳавода кислород концентрацияси 12-14 фоизгача пасайган тақдирда тўхтайди.

Портлаш-энергия ажралиши ва сиқиқ газлар ҳосил бўлиши билан характерланувчи бир зумлик кимёвий айланиш.

Портлашда жуда кўп газ ажралиб чиқади. Улар юқори ҳароратгача қизиб, хажми кенгаяди ва катта куч билан бинолар деворлари ёки идишларга таъсир этиб, портлаш рўй беради. Портлаш пайтида босим 10^6 Па, ҳарорат $1500-2000^0$ га, портлаш тўлқинининг тарқалиши тезлиги сониясига бир неча юз метрга етади. Шу боис портлашлар катта талофатлар ва ёнғинларни келтириб чиқаради. Портлаш жараёнида ажралиб чиқсан иссиқлик энергияси ёниш жараёнини давомли ишлаб туриш учун етарли эмас.

Алангаланиш-ёқилиш манбай таъсири остида аланга ҳосил қилувчи ёнишнинг вужудга келиши. Барқарор ёниш ҳосил бўладиган ёқилғи моддаларнинг паст ҳарорати чўғланиш ҳарорати деб аталади.

Ўз-ўзидан алангаланиш – ёкиш манбаисиз ёниш. Торф, қурум, мой увадалар ўз-ўзидан алангаланади ўт оладиган. Ёнилғи моддаларнинг энг паст ҳарорати ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати деб аталади. Ёнғин чиқадиган ёқилғи моддаларнинг энг кам концентрацияси алангаланишнинг паст концентрацион кўлами деб аталади.

Алангаланишнинг юқори концентрацион кўлами алангаланиш эҳтимоли мавжуд ёқилғи моддаларнинг максимал концентрацияси билан аниқланади. Буғлар ва газлар учун алангаланишнинг концентрацион кўламлари фоизларда, чанглар учун $\text{г}/\text{м}^3$ да изоҳланади.

Масалан, бензин учун 0,79% ва 5,16%, кўмир чанги учун – $114 \text{ г}/\text{м}^3$.

Ёниш жараёнини ёнаётган моддалар ҳароратини алангаланиш ҳароратидан пастланса тўхтатиш мумкин ёки ёнаётган материалларга кислороднинг етиб боришини бас қилинса.

Бунга 2 йўл билан эришилади: совутиш ва изоляция билан. Совутиш учун сув, углеродли қордан, изоляция учун-буғ, кўпик, ўт ўчирувчи кукунлар, қумлар, асбест материалдан фойдаланилади.

Сув–ўтни ва суюқ газсимон моддаларни ўчиришнинг ўта кенг тарқалган арzon воситаси.

Сув ёнғин алангаланадиган суюкликлар (бензин, керосин, бензол ва ҳоказо) ни ўчириш учун қўлланилмайди, негаки, бу моддалар сувга нисбатан кам мустаҳкам зарядга эга. Бундай суюкликлар сув бўйлаб оқиб кетади ва ёниш қисмини янада кенгайтиради.

Кучланиш остидаги электр қурилмани сув билан ўчириш мумкин эмас, негаки электр қувур орқали сув оқиб тушиб, инсон электр токи билан шикастланиши мумкин.

Электр қурилмани ўчириш учун CO_2 углекислотадан фойдаланилади, негаки у паст электр ўтказиш кучига эга. Зичланган углекислотанинг тезда парланишида $\approx 78^0 \text{ С}$ ҳароратли қор қўринишидаги пахтасимон қўпик пайдо бўлади. Углекислота ёнаётган моддани совутади ва унга кислороднинг ўтишига тўсқинлик қиласди.

Ёқилғи суюқликлар, айникса нефть маҳсулотларини ҳавоий-механика қўпиклар ёрдамида ўчирилади. У қўпик ҳосил қилувчи (ПО-1, ПО-6) ҳаво билан сув эритмалари нинг жадал аралашувида ҳосил бўлади.

Кимёвий қўпик масалан, (олтингугурт) сульфат кислотанинг ишқор эритмаси бирикувида ҳосил бўлади.

Ўт ўчирувчи кукунлар қаттиқ моддалар, сув билан, электр қурилмалар билан реакцияга киришувчи моддалар ёнишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Кукунлар изоляцион қатlam ҳосил қиласди. Қиздирилганда улар кислород концентрациясини камайтирадиган ноёнилғи газлар ҳосил қилиб, майдаланади. Қаттиқ, газ симон ва суюқ моддаларнинг ёнишини ўчоқقا қум ташлаб, асбест, брезент газмол ёки кошма ёпиб ўчириш мумкин.

ХУЛОСА

Бугунги кунга келиб ахборот-коммуникация технологиялари жамиятилизнинг барча соҳаларига, жумладан, таълим тизимиға замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларнинг кириб келиши, таълим сифатини ошириши билан бир қаторда ўқитувчи зиммасига катта маъсулият юклаб, улардан замонавий ахборот ва педагогик технологияларни пухта ўзлаштиришни талаб этмоқда. Таклиф қилинаётнан мазкур дастурйи таъминот ёрдамида Олий ўқув юртлари ўқитувчилари, кафедралари ва факультетларининг рейтингини амалга ошириш, ПЎТ фаолияти сифатини яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини такомиллаштириш, шунингдек ўқитувчиларда ўз-ўзини баҳолаш қўникмаларини ривожлантириш ва касбий фаолиятни таҳлил қилиш имкониятини беради.

Битирув малакавий ишининг асосий натижалари қуидагилардан иборатdir:

1. Ўқитувчилар касбий фаолияти сифатини рейтингли баҳолашнинг ҳозирги аҳволи илмий асосда таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар ва уларни ечиш йўллари аниқланди;

2. Олий ўқув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолаш тизимларини яратишнинг ҳолати ва уларга қўйилган педагогик, методик, техник талаблар ҳамда таълимда фойдаланишнинг педагогик имкониятлари тизимли таҳлил қилинди;

3. Хорижий университетларнинг профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолиятини баҳолаш амалиёти таҳлил қилинди;

4. Олий ўқув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолашга имконини берувчи дастурйи таъминотнинг умумлашган тузилмаси ишлаб чиқилди;

5. PostgreSQL МББТда Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятининг

рейтингли баҳолаш дастурий таъминотининг маълумотлар базаси ва алгоритмимаълумотлар базаси структураси ва алгоритмлари ишлаб чиқилди;

6. AJAX Web-технологияси ва Java дастурлаш муҳитида «таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг рейтинг тизимини амалга оширишга имкон берувчи дастурий таъминотнияратилди;

7. Ахборотларни ҳам мазмунан, ҳам шакллан янгилаб туриш имконини берувчи администратор модули ишлаб чиқилди;

8. Дастурий таъминотдан фойдаланиб ўқитувчилар рейтинги ҳақида хисоботлар тайёрлаш усуллари ҳамда Дастурий таъминотдан фойдаланиш учун йўриқнома ишлаб чиқилди;

9. Олий ўқув юртининг ўқитувчилар таркиби, факультетлари ва кафедралари сифатини рейтингли баҳолашучун маҳсус тест ва сўровнма дастури орқали ўқитувчиларнинг билим даражалари ва уҳақидаги педагогик жамоа аъзолари ва талабаларнинг фикрлари аниқлаш, дарс сифатини кўтариш, шунингдек, ўқитувчилар касбий фаолияти ҳақида статистик маълмотларни тўплаш мумкинлиги кўрсатилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1 Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-76 б.
- 2 Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.-413 б.
- 3 Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 315 б.
- 4 Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat ва мафкура.1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 89 б.
- 5 Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1998. - 64 б.
- 6 Thinking in Visual C, Bruce Eckel, Prentice Hall PTR,2003.
- 7 Керниган Б., Ритчи Д. Язык программирования С. — Москва: “Финансы и статистика” — 1992. - 270 с.
- 8 Павловская Т.А. С/C++. Программирование на языке высокого уровня. —Санкт-Петербург,2003. — 455 с.
- 9 Мещеряков Е. В., Хомоненко А. Д. Публикация баз данных в Интернете. — СПб.: БХВ-Петербург, 2001. - 560 с.
- 10 Башмаков А.И., Башмаков И.А Разработка компьютерных учебников и обучающих систем.-М.: Информационно-издательский дом «Филинь»
- 11 Глушков В.М. Введение в кибернетику. – Киев: Изд-во АН УССР, 1964.-324 с.
- 12 Машбиц Е.И. Компьютеризация обучения: проблемы и перспективы //Информатика и образование, 1986. -№ 1. –С. 110–127.
- 13 Ҳайитов А.Ғ. Таълим жараёнини компьютерлаштириш /Услубий қўлланма. – Бухоро, 1999. –40 б.
- 14 Абдуқодиров А.А. Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин. Аспект использования компьютерных средств в учебно-воспитательном процессе: Дис. док. пед.наук. – Ташкент: ТГПИ, 1990. - 360 с.

- 15 Лутфиллаев М.Х. Мультимедиали электрон дарсликлар асосида таълим тизими самарадорлигини ошириш // Таълим ва тарбия.-2003.
- 16 Лутфиллаев М.Х. Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амал ёти (Информатика ва табиий фанлар мисолида): Пед.фан.доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси.-Самарқанд, 2004.-211 б.
- 17 Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов / ред. Л. А. Муравий, 2002.
- 18 Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
- 19 Ёрматов F.Ё., Исамухамедов Ё.У. Мехнатни муҳофаза қилиш. Дарслик. Ўзбекистан нашриёти. Тошкент 2002.
- 20 Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов / ред. Л. А. Муравий, 2002.
- 21 Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
- 22 Каптелинин В.Н. Компьютер в обучении: психолого-педагогические проблемы. Круглый стол // Вопросы психологии. – Москва, 1987. –№ 1. -С. 60-88.
- 23 Фриланд А.Я. Автоматизированная инструментальная система тестирования. //Информатика и образование. -Москва, 2003.-№6. –С. 65-69.
- 24 Гриншкун В.В. Организация компьютерного обучения на базе иерархических структур данных.// Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – Алматы. 1996. -20 с.
- 25 Кузьмина И.А., Устинов В.А. Принципы и методы создания курсов дистанционного обучения., Центр технологий дистанционного образования, Уральский Государственный университет, unimgmt. Eunnet.net /?numMag= N1(11)_2000& ChSet=win
- 26 Симонович С, Евсеев Г, Алексеев А. Специальная информатика . М., АСТ пресс. 2000 год.
- 27 Мещеряков Е. В., Хомоненко А. Д. Публикация баз данных в Интернете. — СПб.: БХВ-Петербург, 2001. - 560 с.